

## “РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банк

Раисининг биринчи ўринбосари

 Т.А. Ишметов

2018 йил “17” март  
DS-43-0256


## “ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ипотека-банк” АТИБ  
Бошқаруви йиғилишининг



2018 йил 15 “февраль” даги  
сонли баёни

Boшқарув Раиси

 О. Мусаев

2018 йил “15” февраль

### “Ипотека-банк”

### Акциядорлик тижорат ипотека банки депозит сертификатларини

чиқариш ва муомалада бўлиш

### ШАРТЛАРИ

(Х-чиқарилиш)

Ушбу Шартлар Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида”ги низом асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у “Ипотека-банк” АТИБ томонидан депозит сертификатларини чиқариш, муомалада бўлиш ва сўндириш тартибини белгилаб беради.

#### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Ипотека-банк” АТИБ (бундан буён матнда банк деб юритилади) депозит сертификати (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) банкка қўйилган депозит суммасини ва сертификат сақловчининг депозит суммасини, ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банк филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш хукуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз.

Цессия – сертификат бўйича талаб қилиб олиш хукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш.

Цедент – сертификат бўйича талаб қилиб олиш хукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечаётган томон.

Цессионарий – сертификат бўйича талаб қилиб олиш хукуқини олаётган томон.

2. Сертификатлар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

3. Сертификатлар - юридик шахслар учун чиқарилади.

4. Сертификатлар олди-сотди, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

Банклар бевосита ўzlари ёки бошқа банклар томонидан жойлаштирилган сертификатлар билан тъминланган кредит ажратишга ҳақли.

5. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас.

6. Сертификатларнинг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

7. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Сертификатларни хорижий валютада чиқариш тақиқланади.

8. Сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Конуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ошкор қилинади.

9. “Ипотека-банк” АТИБ мазкур депозит сертификатларини муомалага чиқариш бўйича қарор банк Кузатув кенгаши томонидан 2017 йил 29 декабрда қабул қилинган ва ушбу қарор Кузатув кенгаши мажлисининг 2017 йил 29 декабрдаги 101 – сонли баёни билан расмийлаштирилган.

## **II. СЕРТИФИКАТ БЛАНКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ОИД ТАЛАБЛАР**

10. Сертификат бланкасида қўйидаги мажбурий реквизитлар акс эттирилган бўлиши шарт:

- а) “депозит сертификати” деган ном;
- б) сертификат рақами ва серияси;
- в) депозит қўйилган сана;
- г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
- д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
- е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
- ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
- з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
- и) банкнинг номи, жойлашган манзили;
- к) депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;
- л) банк томонидан сертификатни имзолаш хуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк мухри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификат бланкининг матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири қўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

11. Сертификатда цессия сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча вараклар талаб этилса, сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчисининг талаби билан сертификатни муомалага чиқарувчи банк томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳуқуки берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

12. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари (бундан бўён матнда чиқарилиш шартлари деб юритилади), шу жумладан цессия расмийлаштириш ҳамда сертификат йўқотилганда уни қайта тиклаш тартиби акс эттирилган бўлиши лозим.

13. Сертификат бланкаси банк томонидан чоп этиш қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерида) тўлдирилади.

Сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизик тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

14. Сертификатда имзо ва банк муҳрларини босмахона усулида қўйиш тақиқланади.

15. Сертификатни беришда банк сертификат корешогидаги барча реквизитларни тўлдиради. Сертификат корешоги сертификат эгаси ёки унинг қонун хужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахси томонидан имзоланади, сертификатдан ажратилади ва банкда сақланади.

16. Сертификат сақловчининг вакили сертификатни олиш учун ишончномага эга бўлиши лозим, ишончнома сертификат корешоги билан бирга сақланади.

17. Банк томонидан сертификатни тўлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл қўйилмайди.

18. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

19. Сертификат бланкаларини, шунингдек сертификатларга қўшимча вараклар (иловалар) фақат қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган «Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси томонидан тайёрланади. Эгасининг номи ёзилган сертификатга иловалар сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

20. Сертификат бланкалари “Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 1312, 2004 йил 17 февраль) талабларига мувофиқ тайёрланади.

### **III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ**

21. Сертификатлар (сертификат берилган вақтдан бошлаб сертификат сақловчиси сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш хуқуқини қўлга киритиш вақтига қадар) қўйидаги муддатларга чиқарилади: 365 кун, 540 кун, 730 кун, 912 кун, 1095 кун.

22. Сертификатлар қўйидаги шартларда чиқарилади:

қиймати	– <b>50'000'000,00</b> (эллик миллион) сўм;
сони	– <b>600</b> (олти юз) дона;
фоиз ставкаси	– депозит сақлаш муддатига боғлиқ бўлган ҳолда: 365 кун – йиллик 10%; 540 кун – йиллик 11%; 730 кун – йиллик 12%; 912 кун – йиллик 13%; 1095 кун – йиллик 14%
ҳажми	– <b>30'000'000'000,00</b> (ўттиз миллиард) сўм.

23. Сертификатлар муддатидан олдин сўндирилишга берилиши мумкин. Бу ҳолатда, банк томонидан сертификат учун унинг тўлиқ миқдори тўланади, фоизлар эса камайтирилган ҳолда тўланади. Шунингдек, сертификат суммасини сертификат сақловчисига қайтаришда, аввал тўлаб берилган фоизлар суммаси сертификат суммасидан ушлаб қолинади.

24. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда банк томонидан сертификат учун фоизлар камайтирилган ҳолда, сотилган кундан бошлаб қўйидагicha тўланади:

**365 ва 540 кунлик** сертификатлар учун:

- 179 кун ичida сўндиришга тақдим этилганда – 0,01%;
- 180 кундан бошлаб сўндириш санасигача бўлган оралиқда сўндиришга тақдим этилганда йиллик – 2%;

**730, 912 ва 1095 кунлик** сертификатлар учун:

- 179 кун ичida сўндиришга тақдим этилганда – 0,01%;
- 180 кундан 540 кунгacha бўлган оралиқда сўндиришга тақдим этилганда йиллик – 2%;
- 541 кундан бошлаб сўндириш санасигача бўлган оралиқда сўндиришга тақдим этилганда йиллик – 9%.

25. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш – “Цессия” мумкин.

26. Сертификат бўйича цессия факат юридик шахслар ўртасида расмийлаштирилади.

27. Цессия сертификатининг орқа томонида ёки қўшимча варакларда (иловалар) цедент ва цессионарий икки томонлама битими билан расмийлаштирилади.

Сертификат бўйича цессия ҳар бир томондан шу каби битимларни амалга ошириш учун юридик шахс томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Ҳар бир цессия цедент томонидан рақамланади.

Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

28. Цессия сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

29. Сертификат цессиясини расмийлаштиришда йўл қўйилган хатолар тузатилганда, у тузатиш киритилган сана қўрсатилган ҳолда “тузатилди” ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда цедент ва цессионарий томонидан имзоланиши ва муҳрланиши (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) шарт.

30. Цессия расмийлаштирилганда сертификат корешогига ўзгартиришлар киритилмайди.

31. Цессия амалга оширилгандан кейин, сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечётган томон – “Цедент” ҳамда сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқини олаётган томон – “Цессионарий” (банк томонидан сертификат бўйича тўланадиган фоизларни тўлаш учун ўз хисоб варагини қўрсатган ҳолда) банкка 5 (беш) банк куни давомида хабардор қилиши шарт.

32. Сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш муддати етиб келганда банк сертификат сақловчисининг аризасига мувофиқ асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобварағига тўловни амалга оширади.

33. Сертификат сақловчилари томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда цессиялар мавжуд бўлса, банк цессияларнинг расмийлаштирилиш ва узлуксизлигини текширади. Бунда: сертификатлар бўйича – охирги цессия қайд этилган цессионарий ваколатли шахснинг имзоси, номи ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) сертификат тўлаб берилиши ҳақидаги аризада ваколатли шахс имзоси, юридик шахснинг номи, муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси томонидан сертификат суммасини талаб қилиб олиш хуқуқини тасдиқловчи хужжат(лар) тақдим этилиши лозим.

Сертификат сақловчиси томонидан тақдим этилган сертификат суммаси бўйича талаб қилиб олиш хуқуқини тасдиқловчи хужжат(лар) ёки унинг нусхаси банк томонидан тўлаб берилган сертификатга қўшим тикиб қўйилади.

34. Сертификатларга доир шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сертификатларни чиқариш шартлари Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг, ушбу шартларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса:

- сертификатга доир шартномаларни имзолаган мансабдор шахслар;
- банк ва (ёки) сертификат эгасининг жойлашган манзили;
- банкнинг ташкилий-хукукий шакли ўзгартирилмаган ҳолда номи, шу жумладан кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига ўзгарганда, сертификатни чиқариш шартлари, сертификат бланкалари ва сертификатларни жойлаштириш жараёнида расмийлаштирилган шартномаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш талаб этилмайди.

#### **IV. СЕРТИФИКАТЛАР БҮЙИЧА ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ**

35. Сертификат бүйича фоизларни ҳисоблаш Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш түғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) мувофиқ амалга оширилади.

36. Банк сертификатлари бүйича фоизлар кунлик ҳисбланиб, ой якунлангач, тўлов кейинги ойнинг 10 (ўн) банк куни ичida амалга оширилади.

37. Банк сертификатни бериш вақтида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзgartиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳақли эмас.

38. Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тугаганидан сўнг (сертификат эгаси сертификат бүйича депозитини талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритганда), банк сертификат сақловчисининг аризасига мувофиқ сертификатда белгиланган суммани ва унга ҳисобланган фоизларни 10 (ўн) банк куни ичida сертификат эгасининг депозит ҳисобварафига банк томонидан тўланади.

39. Сертификат бүйича олинаётган даромадни соликқа тортиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

40. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганда, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фоизлар тўланади. Бунда, банк сертификатларни муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.

41. Агар сертификат бүйича депозитни олиш муддати депозит сақловчиси томонидан ўтказиб юборилган бўлса, у ҳолда банк сертификатда белгиланган депозит суммаси ва ҳисобланган фоизларни сертификат эгасининг талабига кўра тўлаб беради, бундай сертификат бўйича кечикирилган кунлар учун йиллик 0,001 фоиз тўланади.

42. Агар сертификатни сўндириш муддати банкнинг айби билан кечикирилган бўлса, у ҳолда сертификат бўйича, сертификатнинг сўндириш муддати кечикирилган кунлар учун ҳам сертификатда белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади ва тўланади.

#### **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

43. Сертификатларнинг корешогларини, сертификат бланкаларини ва сертификатларнинг қўшимча варакларини (иловаларини) саклаш, шунингдек сертификат бланкаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда сертификатлар билан боғлиқ амалиётлар банк томонидан Марказий банк белгилаган тартибда амалга оширилади.

44. Йўқотилган сертификатлар бўйича хукуqlар банк томонидан қайта тикланади.

45. Сертификат йўқотилганда сертификат сақловчиси унинг дубликатини беришни сўраб банкка ёзма равишда ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

46. Сертификат йўқолганлиги аниқланганда сертификат сақловчиси бу ҳақда ариза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Ариза банкнинг махсус журналида қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тикилган ва банк мухри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

47. Ариза сертификатнинг корешоги билан бирга сақланади. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг қайси филиали орқали берилганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юридик шахснинг номи) ва қанча миқдордалиги кўрсатилади.

48. Ариза ва бошқа зарур хужжатлар банк Бошқаруви ташкил этган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан кейин банк йўқолган сертификат бўйича тўловларни амалга оширади ёки аризачига сертификат дубликатини беради.

## “РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банк



Раисининг биринчи ўринбосари

Т.А. Ишметов

2019 йил “31” январь

DS-43-0256-1

## “ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгаши мажлисининг  
2019 йил “22” январдаги  
8 - сонли баённомаси

“Ипотека-банк” АТИБ Бошқарув Раиси



Ш.Х. Атабаев

2019 йил “28” январь

2018 йил 17 марта DS-43-0256-сон билан рўйхатга олинган  
“Ипотека-банк” Акциядорлик тижорат ипотека банки  
депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш  
шартларига (Х-чиқарилиш) киритилган ўзгартиришлар матни

Эски тахрир	Янги тахрир
22. Сертификатлар қўйидаги шартларда чиқарилади: қиймати – 50'000'000,00 сўм; сони – 600 (олти юз) дона; фоиз ставкаси – депозит саклаш муддатига боғлиқ бўлган ҳолда:  365 кун – йиллик 10%;  540 кун – йиллик 11%;  730 кун – йиллик 12%;  912 кун – йиллик 13%; 1095 кун – йиллик 14%;  ҳажми – 30'000'000'000,00 (ўттиз миллиард) сўм.	22. Сертификатлар қўйидаги шартларда чиқарилади: қиймати – 50'000'000,00 сўм; сони – 600 (олти юз) дона; фоиз ставкаси депозит саклаш муддатига боғлиқ бўлган ҳолда: *  365 кун – Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси;  730 кун – Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси плюс 0,5%;  1095 кун – Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси плюс 1%;  ҳажми – 30'000'000'000,00 (ўттиз миллиард) сўм.
24. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.	24. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.

<p>Бунда банк томонидан сертификат учун фоизлар камайтирилган ҳолда, сотилган кундан бошлаб қуидагича тўланади:</p> <p><b>Муддатидан олдин сўндиришига тақдим этиши:</b></p> <p><b>365 ва 540 кунилик</b> сертификатлар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 179 кун ичидаги сўндиришига – 0,01%; тақдим этилганда йиллик</li> <li>• 180 кундан бошлаб – 2%; сўндиришига санасигача бўлган оралиқда сўндиришига тақдим этилганда йиллик</li> </ul> <p><b>730, 912 ва 1095 кунилик</b> сертификатлар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 179 кун ичидаги сўндиришига – 0,01%; тақдим этилганда йиллик</li> <li>• 180 кундан 540 кунгacha – 2%; бўлган оралиқда сўндиришига сўндиришига тақдим этилганда йиллик</li> <li>• 180 кундан бошлаб – 9%. сўндиришига санасигача бўлган оралиқда сўндиришига тақдим этилганда йиллик</li> </ul>	<p>Бунда банк томонидан сертификат учун фоизлар камайтирилган ҳолда, сотилган кундан бошлаб қуидагича тўланади:</p> <p><b>Муддатидан олдин сўндиришига тақдим этиши:</b></p> <p>Ушбу чиқарилишдаги барча сертификатлар учун йиллик –</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 85 фоизи миқдорида**</p>
---	--

\*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган тақдирда, ушбу чиқарилишининг муомалада бўлган сертификатлари бўйича фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган санадан бошлаб, янги қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисобланади.

\*\*Изоҳ: Муддатидан олдин сўндиришига тақдим этилган сертификатлар бўйича фоизларни қайта ҳисоб-китоб қилишида банк томонидан тўлов амалга ошириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси қўлланилади.

Депозит сертификатларни муомалага чиқариш шартларига ўзгартириш киритилган санадан аввал жойлаштирилган сертификатлар бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Ушбу чиқарилишдаги сертификатлар бўйича фоизлар ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтган санадан кейинги ойдан бошлаб, янги шартлар бўйича ҳисобланади ва тўланади. Киритилган ўзгартиришлар депозит шартномаларида қайд этилиши керак.